

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 1, 2020

www.psixologiyabuxdu.uz





PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

1-son 2020-yil. *Выпуск 1. 2020 год.

BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: BAROTOV SH. R.

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии
Психологических Наук

TAHRIR HAY'ATI - РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

XAMIDOV O.X.

Buxoro daylat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor
SHOUMAROV G.B.

(Bosh muharrir o'rnbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor
UMAROV B.M.

(Bosh muharrir o'rnbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor
KOZLOV V.V. (Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor
MALI'X S.B. (Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor
KOROBENNIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
DARYA GAYSINA (Buyuk Britaniya)

Biologiya fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD).

KARIMOVA V.M.

psixologiya fanlari doktori, professor
SAFOYEV N.S.

psixologiya fanlari doktori, professor
MUXAMEDOVA D.G

psixologiya fanlari doktori, professor
BEKMURODOV M.B.

sotsiologiya fanlari doktori, professor
QODIROV B.R.

psixologiya fanlari doktori, professor

JABBOROV A.M.

psixologiya fanlari doktori, professor
NISHONOVA Z.T.

psixologiya fanlari doktori, professor
IBODULLAYEV Z.R.

tibbiyot fanlari doktori, professor
BEGMATOV A.S.

falsafa fanlari doktori, professor
ABDURAXMANOV F.R.

Falsafa fanlari doktori, professor
QAHHOROV O.S. BuxDU ilmiy ishlar

va innovatsiyalar bo'yicha prorektori.
Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD).

MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N. – psixol.fan.nom., dot.

Muxtorov E.M. – psixol.fan.nom., dot.

Barotova D.Sh. – psixol.fan.nom., dot.

Vohidova N.N. – Jahon iqtisodiyoti va
diplomatiya universiteti o'qituvchisi

TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.

РЕДАКТОРЫ:

Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh,
Rustamov Sh.Sh.

MAS'UL KOTIB – OTB.

СЕКРЕТАРЬ

Sobirova D.A. Psixologiya fanlari
bo'yicha falsafa doktori (PhD).



	Modification of the "Health. Activity. Mood" for the sphere of sports
99	Мухамедова Д.Г. Гендерный аспект конструктивного взаимодействия менеджеров в ситуации конфликта Gender aspect of constructive interaction between managers in a conflict situation
104	Абдуллаева Ш.Х. Ўқитувчи профессионал стажи ва педагогик тажрибасининг ўз ўзига муносабати тизимиға таъсири Impact of teacher professional statistics and pedagogical experience on the interaction system
108	Ибодуллаев З.Р., Ибодуллаев Б.Б. Кандид диабет иккинчи типи билан касалланган беморларда ҳавотир ва депрессия даражасининг ўзига хослиги ва уларни коррекция қилишда тиббий-психологик ёндашув Specificity of the degree of anxiety and depression in patients with diabetes mellitus type two and a medical-psychological approach to their correction
111	Сафаев Н.С., Мираширова Н.А., Одилова Н.Г. Психолог талабаларнинг эмпатияга қодирлиги касбий стукликнинг мезони сифатида Psychologist students ' ability to empathize as a criterion of professional maturity
117	Собирова Д.А. Тиббиёт ходимларида социал-психологик компетентлик психодиагностикаси ва психокоррекцияси Socio-psychological competency psychodiagnostics and psychocorrection in medical personnel
122	Дўстов С.Д. Ёшлилар тарбиясида мусиқанинг ўрни The role of music in youth education
127	Мусаев Ж.Б. Жамоадаги низо турлари ва уларни бартараф этишининг ижтимоий-психологик асослари Types of conflicts in the team and the socio-psychological basis of their elimination
134	Ташимова Ф.С., Ризулла А.Р. Основы интегративной психологии в трудах Абу Наср аль-Фараби Fundamentals of integrative psychology in the works of Abu Nasr al-Farabi
141	Облоқулов Ж.Ж. Ўспириналар дунёскарап ва шахлии сифатлари уйғулигини ўрганишнинг эмпирик асослари Empirical bases for studying the harmony of the worldview and personal qualities of adolescents
151	Эшбеков Т.У. Мағкуравий иммунитеттни оширишида оила тарбиясининг ўрни The role of family education in increasing ideological immunity
157	Усманова Ш.Д. Талаба ижтимоий фаоллигига ривожлантириш ва интеллек динамикаси Development of student social activity and intellect dynamics
161	Файзиев З.Х. Казусли вазиятларда спортчилар ҳавотирланиш даражасининг ижтимоий-психологик тадқиқ этилиши Socio-psychological study of the level of anxiety of athletes in kazusli situations
165	Худойқурова Г.Б. Кичик гурӯхларда шахслараро муносабат мотификациясини эмпирик ўрганиш натижалари Results of an empirical study of personality attitude motivation in small groups
173	Шопазаров А.М. Замонавий таълим тизими раҳбарларининг касбий-кreativ компетентлиги



Худойқурова Гулшода Баҳроновна,
Бухоро давлат университети психология кафедраси катта ўқитувчиси

**КИЧИК ГУРУХЛАРДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТ
МОТИВАЦИЯСИНІН ЭМПИРИК ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ**



**RESULTS OF AN EMPIRICAL STUDY OF PERSONALITY ATTITUDE
MOTIVATION IN SMALL GROUPS**

Аннотация: Ушбу мақолада ҳар бир ўқувчи шахснин, унинг ижтимоий-психологик табиатини, имкониятларини ва ўзига хос психологияк истиқболларини айнан у фаоллик күрсатаётган кичик гурӯхлар доирасыда талқин қилиши ҳамда шу талқинлар асосида ўқувчилар гурӯхларида гурӯхий фаоллик мотивацияларини шакллантириши учун унга муайян даражадаги психологик хизматтар күрсатыш таълим-тарбия муассасалари олдида турған мұдым вазифалардан бири экантиги ёритилген.

Калит сўзлар: психологияк мезон, фаоллик, мотив, гурӯхий фаоллик, гурӯхий масъуллик, жамоатчилик, ғурӯхий жисъслик.

Аннотация: материалы статьи раскрывает результаты эмперического исследования межличностных отношений в малых группах.

Ключевые слова: психологический критерий, активность, мотивация, групповая активность, групповая ответственность, общественная, групповая ответственность.

Abstract: This article highlights that providing psychological assistance to the personality of each student, their socio-psychological nature, capabilities and specific psychological perspectives is one of the important tasks facing educational institutions in order to provide them with a certain level of motivation for group activities within the framework of interpretation within small groups in which they are active, as well as to increase the level of motivation for group activities.

Key words: psychological criteria, activity, motivation, group activity, group responsibility, social responsibility, group responsibility.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда республикамизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари, тобора юксак поғоналарга күтарилиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, фан, техника ва ишлаб чиқаришининг кескин ривожланишига жавоб бера олувчи жамият ва шахс эҳтиёжларининг ўзаро вобасталиги замирида шаклланыётган гурӯхий фаоллик жараёнларини муайян психологик мезонлар асосида ўрганишга каратилган тадқикот йўналишларини белгилаш масаласи ниҳоятда мухим аҳамият касб этади.

Дарҳакиқат, шахс ва унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолигини таъминловчи асосий омиллардан бири бу – шахснинг матънавий ва интеллектуал имкониятлари бўлса, иккинчиси эса мазкур имкониятларни рўёбга чиқиши учун хизмат килувчи ижтимоий мухит, гурӯхий фаоллик жараёнларидир. Бу жараённи тегишли ижтимоий-психологик мельёрлар асосида тадқик килиш орқали бугунги кунда республика умумтаълим мактабларида психологик хизмат самарадорлигини таъминлаш масаласига жиддий ўтибор каратиляпти.

Маълумки, умумтаълим мактабларида олиб борилаётган психологик хизмат жараённинг ҳар жиҳатдан кенг кўламли йўналишларга эга экантиги ва ҳар бир йўналишнинг ўзига хос мақсади ҳамда вазифалари борлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазифалар эса албатта маҳсус билимларга ва тажрибаларга эга бўлган амалиётчи психологлар томонидан амалга оширилади. Қолаверса, бугунги кунда барча ривожланган давлатлардаги таълим муассасаларининг юкори даражадаги истикболларини ўзига хос ижтимоий мақсадлар асосида ташкил этилган психологик хизмат амалиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, ҳар қандай таълимнинг обьекти ҳам субъекти ҳам ўқувчи шахснинг айнан ўзи хисобланади. Ўкувчи шахси эса муайян ижтимоий таъсиrlар асосида шаклланувчан ва жуда кўплаб ўзигагина хос



бўлган бетакорр психологик имкониятларга эга бўлган онгли ижтимоий мавжудотдир. Шу боисдан, айтиш жоизки, агарда биз таълим самарадорлигига эришмоқчи бўлсак, шунингдек, жамият тараққиёти учун зарур бўлган ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тайёрламоқчи бўлсак, энг аввало мазкур шахсдаги психологик имкониятларни ҳамда унга бевосита ижобий ёки салбий таъсир этувчи ижтимоий психологик омилларни эмпирик жиҳатдан ўрганишимиз, таҳлил килишимиз ва шу таҳлилларга таяниб тегишли даражада тарбиявий ишларни олиб боришмиз мукаррардир. Шу нутказ назардан олинганда бугунги ҳар бир ўкувчи шахсига унинг ижтимоийлашувига бевосита таъсир этувчи кичик гурухларни эмпирик жиҳатдан ўрганиш ва ҳар бир ўрганилган омилни психологик хизмат доирасидаги талаблар асосида талкин қилиш ва шу талкинларга таяниб мактаб амалиётчи психологларни учун муайян тавсияларни ишлаб чиқиши масаласи муҳим аҳамият касб этади. Мактабда кичик гурухларга психологик хизмат кўрсатиш энг аввало шу кичик гурухлар доирасидаги шахслараро муносабат мотивациясининг шаклланиши билан бевосита боғликдир. Чунки мактаб психологи шахслараро муносабат мотивацияси кўринишларини ижтимоий жиҳатдан тўлақонли таҳлил этмас экан бу гурухлар фаолиятини ижобий томонга йўналтириш жуда мушкулдир.

Таълим жараёнининг муваффақияти ва шу таълим тизимида ўкувчи шахсни ижтимоий-психологик тараққиёти энг аввало ҳар бир ўкувчининг шу таълим фаолиятини нисбатан мустақил ва ижодий ёндашувига, ўкув фаоллигига нисбатан барқадар кизикишларнинг таркиб топишига ва айни пайтда у ёки бу гурухда ўзининг ижтимоий менлигини нечоғлик шакллантиришга боғликдир. Зоро, мактаб давридаётк гурухий ва ижтимоий менликтининг етарли даражада таркиб топиши ўкувчи шахси ижтимоий тараққиёти учун муҳим “манба” ҳисобланади. Бу жараён бизнинг назаримизда ўзига хос имкониятлар кўламига эга бўлган гурухий масъуллик, жамоатчилик, гурухий жипслик, ўзаро алокадорлик, ўзаро самимийлик, гурухий ташкилотчилик, ўзаро гурухий хабардорлик каби сифатларнинг намоён этилиши билан белгиланади ва баҳоланади. Мазкур фикрнинг нечоғлик ҳаққонийлигини эмпирик жиҳатдан ўрганиш ва асослаш мақсадида қатор умумтаълим мактабларидаги тадқиқотимиз мақсадига мос экспериментал тажрибалар олиб борилди ва унинг натижалари муайян ижтимоий психологик талаблар асосида тадқик қилинди.

Методика: Ижтимоий психологияда муҳим ўрин тутувчи кичик гурухлар доирасидаги ўкувчи шахси ва шахслараро фаоллик мотивациясининг таркиб топишга даҳлдор бўлган мезонларнинг (гурухий масъуллик, жамоатчилик, гурухий жипслик, гурухий алокадорлик, ўзаро самимийлик гурухий ташкилотчилик, ўзаро хабардорлик) бугунги таълим жараёнидаги аникроғи “тажриба” ва “назорат” обьектларидаги ҳар бир ўкувчи ва аксарият кичик гурухлар аъзоларининг амалий фаолиятларида қай тарика намоён бўлишини тасдиқловчи ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичларни аниклапи ва шу асосда муайян ижтимоий-психологик хуласалар чиқариш асосий мақсад қилиб қўйилди. Олинган ҳар бир натижа тадқиқоти интиҳосида қайд этилган вазифаларнинг бажарилшиига ва тадқиқотимиз илмий фарази тасдиқлашга хизмат қиласди. Демак, юқорида белгиланган мезонларнинг тажриба (n_1) ва назорат (n_2) обьектларida таҳсил олаётган ўкувчилар гурухидан олинган эмпирик маълумотларни бевосита таҳлил киладиган бўлсак 1-2-3-жадвалларда қайд этилган ракамлардан яккот равшан кўринадики, “тажриба” обьектларидаги барча еттига мезон бўйича намоён этилган “а” вариант кўрсаткичлари, барча “назорат” обьектларининг “а” вариант кўрсаткичларига нисбатан бир мунча юқорироқ даражада намоён этилганларни кўришимиз мумкин бўлади. Бу эса ўт навбатида гурухий фаолликка ноадекват бўлган (“б” вариант) кўрсаткичларининг “тажриба” обьектларida бир оз бўлсада кўпайиб бориш тенденциясини яна бир бор тасдиқлайди. Чунки, кичик гурухларга бўлган алоҳида эътибор ва кичик гурухларга кўрсатилган маҳсус дастурдаги алоҳида психологик хизмат жараёни ҳар бир ўкувчидаги гурухий фаоллик ва гурухий ижтимоий идентификацияни бир мунча юқори даражада таъминлашга олиб келади.

Бинобарин, тақдим этилган муйян мезонлар бўйича “тажриба” ва “назорат” обьектларидаги кичик расмий гурухлар мисолида олинган маълумотларнинг ўртача-умумий қиёсий-типик кўрсаткичлар кўдамини акс эттирган ракамлар ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.



Жадвал № 1.

Тажриба (n₁) ва назорат (n₂) объектларида ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларину гурӯхий намоён этилишининг ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлари
(Р.С.Немов услуби асосида олингандастлабки маълумотлар мисолида)

Мезонлар		Объект			
		(n ₁) = 303		n ₂ = 300	
		n ₁	%	n	%
I	а	150	49,5	144	48,0
	б	153	50,5	156	52,0
II	а	148	48,8	150	50,0
	б	155	51,2	150	50,0
III	а	143	47,2	140	46,7
	б	160	52,8	160	53,3
IV	а	147	48,5	154	50,3
	б	156	51,5	146	49,7
V	а	160	52,8	164	54,7
	б	143	47,2	136	45,3
VI	а	144	47,5	143	47,7
	б	159	52,5	157	52,3
VII	а	142	46,9	148	49,3
	б	161	53,1	152	50,7
Σ (ўрт.)		A	148	48,8	149
		B	155	51,2	151

Изоҳ:

I Гурӯхий масъуллик

V Ўзаро самимийлик

II Жамоатчилик

VI Гурӯхий ташкилотчилик

III Гурӯхий жипслик

VII Ўзаро гурӯхий хабардорлик

IV Ўзаро алокадорлик

Жадвал № 2.

Тажриба (n₁) ва назорат (n₂) объектларида ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларину гурӯхий намоён этилишининг ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлари
(якуний эмпирик маълумотлар мисолида)

Мезонлар		Объект			
		(n ₁) = 303		n ₂ = 300	
		n ₁	%	n	%
I	а	200	66,0	150	50,0
	б	103	34,0	150	50,0
II	а	201	67,0	164	54,7
	б	102	33,0	136	45,3
III	а	197	65,7	140	46,7
	б	106	34,3	160	53,3
IV	а	190	62,7	160	53,3
	б	113	37,3	140	46,7
V	а	209	68,7	170	56,7
	б	94	31,1	130	43,3
VI	а	188	62,0	189	63,0
	б	115	38,0	114	37,0
VII	а	190	62,7	200	66,7
	б	113	37,3	100	33,3
Σ		A	196	64,7	167
		B	107	35,3	133



Масалан, дастлабки эмпирик маълумотлар таҳлилида (жадвал-3.3.1.) тажриба ва назорат объектларидағи фарқлар унчалик сезиларли бўлмасада, бироқ кейинги эмпирик маълумотлар (жадвал-3.3.2.) таҳлилида тафовутларнинг сезиларли даражада мавжудлиги кўринади. Жумладан, 1-мезон (гурухий масъуллик) кўрсаткичлари бўйича тажриба объектларида “а” вариант жавоблари ўқув йилининг бошида 49,5%дан ўқув йилининг охирига келиб 66,0 фоизга кўтарилиган бўлса, “назорат” объектларида эса бу кўрсаткич миқдори бутун ўқув йили давомида 48,0 фоиздан атиги 50% га ўсан, холос.

Кичик гурухлардаги 2-мезон кўрсаткичлари ҳам жадвалда кайд этилганидек, ўқув йили давомида 48,8 ва 67,0 фоиз ўсиш эса тажриба объектлари учун 50,0 ва 54,7 фоиз ўсиш назорат объектлари учун характерли эканлиги маълум бўлди. Учинчи мезон кўрсаткичларида эса тажрибагача бўлган дастлабки даврда 47,2% миқдори кузатилган бўлса, тажрибадан сўнг эса бу кўрсаткичнинг 65,7 фоизга кўтарилилгини кўрамиз. Шунингдек, ҳар галгидек, назорат объектларида мазкур мезон кўрсаткичларида деярли ўзгариш сезилмади. Яъни, йил бошида 42,7 фоиз, йил охирида эса 46,7 фоиз миқдордаги натижалар кайд этилди. Тўртингчи ва бешинчи мезонлар бўйича олинган “а” вариант кўрсаткичларида ҳам худди шу манзарани кўриш мумкин. Яъни, тажриба объектларида 48,5 фоиздан 62,7 фоизгача (4-мезон) ва 52,8 фоиздан 68,9 фоизгача миқдордаги ўсишни; айни пайтда назорат объектларида 47,7% ҳамда 53,3% (4-мезон) ва 54,7% ҳамда 86,7% миқдордаги унча катта бўлмаган “а” вариант кўрсаткичларини кўришимиз мумкин бўлади.

Умуман олганда, белгиланган олтинчи ва еттинчи мезон кўрсаткичлари мисолида ҳам “а” вариант талаблари бўйича намоён этилган гурухий фаоллик мотивациясининг “тажриба” объектларида етарлича устунлиги кузатилди. Жумладан, 47,5% ва 62,0% мезон кўрсаткичлари мисолида ҳам “а” вариант талаблари бўйича намоён этилган гурухий фаоллик мотивациясининг тажриба объектларида етарлича устунлиги кузатилади. Жумладан, 47,5% ва 62,0% (6-мезон), 46,9 ва 62,7% (7-мезон) миқдорида намоён этилган “а” вариант кўрсаткичлари фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мазкур эмпирик маълумотлар барча еттита мезон кўрсаткичларини умумлаштириб, ўртacha умумий миқдор чиқарилганда ҳам тақдим этилган “а” вариант кўрсаткичларининг тажриба объектларида нисбатан юкорирок даражада таркиб топиб бораётганлигини илғаш қийин эмас. Масалан, “тажриба” объектларидағи ўртacha умумий ва киёсий-типик кўрсаткичларини кайд этилган якуний эмпирик маълумотлар (жадвал 1,2,3) мисолида таҳлил киладиган бўлсак, “тажриба” объектларида “А” вариант кўрсаткичлари “тажриба” дан оддин 48,8% ни ташкил этган бўлса, “тажриба”дан сўнг эса бу кўрсаткич 64,7 % га кўтарилилгини кўрамиз. Яъни, самарадорлик коэффициенти 15,9 ни ташкил этганлиги боис маҳсус дастурларимиз асосида олиб борилган психологик хизматнинг кичик гурухлар ижтимоӣ тараққиётига нисбатан салмоқли ижобий таъсирини кўришимиз мумкин. Айни пайтда, “назорат” объектларидан олинган кўрсаткичлар кўлами эса 49,7 % ёхуд 55,7 % миқдоридан ошмаганлигини кайд этишимиз мумкин. Демак, “тажриба” объектларида ҳам “назорат” объектларида ҳам гурухий фаоллик тараққиёти тенденцияси мавжуд ва бу тенденциянинг муайян суратда ўсиб боришининг таъминланиши эса кичик гурухларга психологик хизмат кўрсатишнинг самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Энди, бевосита “тажриба” ва “назорат” объектларида гурухий-ижтимоӣ психологик рельеф кўрсаткичларининг муайян мезонлар тизимида олинган ўртacha-умумий ва киёсий-типик кўрсаткичларининг 11 ва “тажриба” ва “назорат” объектларидаги респондентлар умумий сонига нисбатан намоён этилган ўртacha умумий ва оралиқ диапозонлари таҳлилига ўтамиз (№ 3 жадвалига қаралсинг).

Жадвал № 3.

Кичик гурухларда ижтимоӣ психологик рельеф кўрсаткичлари намоён этилишининг оралиқ диапозонлари

Мезон объект	I	II	III	IV	V	VI	VII
$\Sigma n_1=303$	3,4-4,1	3,2-3,9	2,7-3,2	3,0-3,5	3,6-4,3	2,8-3,4	2,1-3,0
$\Sigma n_2=115$	4,5-5,1	4,0-4,8	3,9-4,7	3,8-4,5	3,0-3,9	3,2-4,1	3,4-4,0



	б						
VI	а	60,0-70,0	62,0	50,2-64,1	63,0	1,1	
VII	б	58,0-65,0	62,7	53,1-68,2	66,7	1,2	
Σ	A Б	59,5-70,0	64,7	64,7	49,1-682	1,4	

Демак, кичик гурухларда ижтимоий – психологик рельеф кўрсаткичларининг намоён этилганлик даражаларини тажриба ва назорат гурухлари мисолида таҳлил қилинганда χ^2 – Pirson жадвали бўйича муайян самарадорлик кўлга киритилди.

Жумладан, расмий гурухлардаги тажриба объектларида юқори даражали кўрсаткичлар 16,7% дан 30% гача кўтарилиди. Норасмий гурухларда эса 17,5% дан 26% гача ўсип бўди. Назорат гурухларида эса тажрибагача юқори даражали кўрсаткичлар кўлами (расмий гурухлар мисолида) 17,8% ва тажрибадан кейин 19,5% оралигини ташкил этди. Норасмий гурухлардаги назорат гурухлари мисолида эса 17% ва 19,2 оралиги характерли эканлиги якъол намоён этилди. Pirson жадвали бўйича ишончлилик даражаси расмий гурухларда $p \leq 0,05$ ва норасмий гурухларда $p \leq 0,01$ миқдорни ташкил этади.

Жадвал № 6.

Кичик гурухларда ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларининг намоён этилганлик даражалари (расмий гурухлар мисолида)

Гурухлар	Тажриба гурухи N1=300				Назорат гурухи N2=303			
	Тажрибагача		Тажрибадан кейин		Тажрибагача		Тажрибадан кейин	
	%	N1	%	N1	%	N2	%	N2
Даражалар	16,7	50	30,0	90	17,8	54	19,5	59
Юқори	50,0	150	56,7	170	46,2	140	43,5	130
Куийи	33,3	100	13,3	40	36,0	106	37,0	111
χ^2	$\chi^2 = 11,59;$				$p \leq 0,05$			

(норасмий гурухлар мисолида)

Гурухлар	Тажриба гурухи N1=115				Назорат гурухи N2=120			
	Тажрибагача		Тажрибадан сўнг		Тажрибагача		Тажрибадан сўнг	
	%	N1	%	N1	%	N2	%	N2
Даражалар								
Ўрта	17,4	20	26,1	30	17,0	21	19,2	23
Юқори	56,5	65	45,2	52	41,5	47	43,8	50
Куийи	43,6	50	28,7	33	41,5	47	37,0	42
χ^2	$\chi^2 = 12,83;$				$p \leq 0,01$			

Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “тажриба” ва “назорат” объектларида гурухнинг ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларининг барча еттига мезон бўйича кўлга киритилади.



натижаларини жамлаб ўртача умумий мікдорлар чикаралғанда ҳам “тажриба” объектларида “а” варианты күрсаткичларининг анча юкори даражада тарқиб топғанлыгини күрамиз. Жумладан, олинган якуний эмпирик маълумотлар бүйічә қаралғанда тажриба объектларида оралиқ диапозонлар мікдори 59,5 % дан 64,7 фоизгача, назорат объектларида эса бу мікдор 49,1 % дан 68,2% гача күрсаткичлар күламида характеристерлі эканлиги маълум бўлди. Айни пайтда умумий күрсаткичлар мікдори ҳам назорат объектларида жами, 55,7 фоизни ташкил этган бўлса, тажриба объектларида эса анча юкори бўлган 64,7 фоиз мікдорини ташкил этганилиги билан кичик гурухларга йил давомида күрсатилган психологик хизмат самарадорлигининг мавжуд эканлигини яна бир бор тасдиқлadi ($t<005$ бўйича самарадорлик коэффициенти (η) 1,19 га тенг).

Демак, гурухий ижтимоий-психологик рельеф күрсаткичлари бўйича барча олинган маълумотларнинг умумий таҳлилларига таянадиган бўлсак, барча назорат объектларида “а” варианты күрсаткичларининг тажриба объектларида “б” варианты күрсаткичларига нисбатан устунлигини кўриш билан бирга назорат объектлари учун белгиланган еттига мезонга нисбатан 1-ўрин 7-мезонга ўзаро хабардорлик, яъни 66,7% га тўғри келса, тажриба объектлари учун эса 1-ўрин ўзаро самимийлик, яъни 5-мезонга тўғри келади. Худди шундай назорат объектлари мисолида охирги ўрин гурухий жипслик мезонига (3-мезон) тўғри келса (46,7), тажриба объектлари учун эса гурухий ташкилотчилик (62,0%) мезони нисбатан охирги ўринда туради. Шунингдек, “б” варианты күрсаткичлари бўйича назорат объектларида 33,3 фоиздан 53,3 фоизгача күрсаткичлар аникланган бўлса, тажриба объектларида эса атиги 31,1 фоиздан 38,0 фоизгача бўлган мікдорлар кичик гурух аъзолари учун характеристерлі эканлиги маълум бўлди. Умуман, тажриба объектларида ҳам, назорат объектларида ҳам кичик гурухларга аник йўналтирилган дастурларга асосланган психологик хизмат күрсатиш тизимининг мавжудлиги ва бу имкониятдан ўз ўрнида ва ўз вақтида фойдаланишига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганилигини алоҳида кайд этиш мумкин.

Хулоса: Ўтказилган тадқикот натижалари энг аввало умумтаълим мактабларидағи кичик расмий ва норасмий гурухлар доирасида ўкув фаолиятини ҳамда ўкув фаоллигини амалга ошираётган ўкувчиларга ўзига хос ижтимоий психологик талаблар асосида муайян даражадаги психологик хизматлар күрсатиш муқаррарлигини кўрсатди.


Жумладан, мактаб амалиётчи психологлари учун ишлаб чиқилган психопрофилактика, психодиагностик ва психокоррекцион иш дастурларида кичик гурухларни алоҳида ўрганиш ва кичик гурухлар доирасига киравчи ўкувчи шахсининг ижтимоий-психологик тараққиётини таъминловчи омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки, мактабдаги кичик гурухлар таркиби ва тараққиётини ўрганмай туриб инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган таълим-тарбия самарадорлигини етарли даражада таъминлаб бўлмайди. Шу боисдан умумтаълим мактабларидағи кичик гурухларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик имкониятларини кенг кўламда ўрганувчи, таҳлил килувчи ва шу таҳлиллар асосида тегишли тарбиявий тадбирлар мониторингини олиб борувчи ягона тизим бу уларга психологик хизматлар кўрсатиш тизими эканлиги яққол намоён этилди.

Кичик гурухлар доирасига киравчи ҳар бир ўкувчи шахсида гурухий фаоллик мотивацияларининг намоён этилиши кўп жиҳатдан муайян ижтимоий психологик мезонлар хисобланмиш гурухий масъуллик, жамоатчиллик, гурухий жипслик, гурухий алоқадорлик, ўзаро самимийлик, гурухий ташкилотчилик, ўзаро хабардорлик каби хислатларнинг етарли даражада тарқиб топғанлиги билан белгиланади ҳамда гурухий фаоллик мотивацияларига адекват бўлган барча күрсаткичлар кўламининг “тажриба” объектларида нисбатан юкори даражада эканлиги кузатилиб, бу күрсаткич ўртача 64,7 фоизни ташкил этиш билан бирга 59,5-70,0% мікдоридаги оралиқ диапозонни ташкил этган бўлса, назорат объектларида эса белгиланган ижтимоий-психологик рельеф күрсаткичлари мікдори ўртача 55,7%га тенг келиш билан бирга оралиқ диапозонлар кўлами эса 49,1-68,2 фоизни ташкил этиш билан характеристланади. Эмпирик маълумотларга асосланган мазкур мулоҳазалар тегишли ижтимоий психологик қонуниятларга бир мунча ойдинликлар киритишга хизмат қиласди.



Адабиётлар:

1. Дубровина И.В. Школьная психологическая служба: Теория и практика. – М.: Педагогика, 1991.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Университетлар ва педагогика институтлари учун кўлланма. Тошкент., 1989 – 96 б.
3. Коломенский Я.Л. Психология взаимоотношений в малых группах. – Минск: БГУ, 1976. – 143 с.
4. Коломенский Я.Л. Социометрия в социально-психологическом исследование: её возможности и ограничения. В. Кн.: Методология и методы социальной психологии./ Под ред. Шороховой Е.В. – М., 1977. – С. 72-85.
5. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслар. – Т.: “Наврӯз” нашриёти, 2018. – 344 б.



*Хочется пожелать журналу "PSIXOLOGIYA"
оптимизма, востребованности,
благодарных слушателей и последователей.*

*Успехов в работе и тех результатов,
которые удовлетворят научную
общественность не только Узбекистана,
но и партнеров журнала в других странах
СНГ.*



	Modification of the "Health. Activity. Mood" for the sphere of sports
99	Мухамедова Д.Г. Гендерный аспект конструктивного взаимодействия менеджеров в ситуации конфликта Gender aspect of constructive interaction between managers in a conflict situation
104	Абдуллаева Ш.Х. Ўқитувчи профессионал стажи ва педагогик тажрибасининг ўз ўзига муносабати тизимиға таъсири Impact of teacher professional statistics and pedagogical experience on the interaction system
108	Ибодуллаев З.Р., Ибодуллаев Б.Б. Кандиди диабет иккинчи типи билан касалланган беморларда хавотир ва депрессия даражасининг ўзига хослиги ва уларни коррекция қилишда тиббий-психологик ёндашув Specificity of the degree of anxiety and depression in patients with diabetes mellitus type two and a medical-psychological approach to their correction
111	Сафаев Н.С., Мираширова Н.А., Одилова Н.Г. Психолог талабаларнинг эмпатияга кодирлиги касбий стукликнинг мезони сифатида Psychologist students' ability to empathize as a criterion of professional maturity
117	Собирова Д.А. Тибиёнт ходимларида социал-психологик компетентлик психодиагностикаси ва психокоррекцияси Socio-psychological competency psychodiagnostics and psychocorrection in medical personnel
122	Дўстов С.Д. Ёшлилар тарбиясида мусиқанинг ўрни The role of music in youth education
127	Мусаев Ж.Б. Жамоадаги низо турлари ва уларни бартараф этишининг ижтимоий-психологик асослари Types of conflicts in the team and the socio-psychological basis of their elimination
134	Ташимова Ф.С., Ризулла А.Р. Основы интегративной психологии в трудах Абу Наср аль-Фараби Fundamentals of integrative psychology in the works of Abu Nasr al-Farabi
141	Облоқулов Ж.Ж. Ўспириналар дунёкараси ва шахлии сифатлари уйғулигини ўрганишнинг эмпирик асослари Empirical bases for studying the harmony of the worldview and personal qualities of adolescents
151	Эпебеков Т.У. Мағкуравий иммунитетни оширишда оила тарбиясининг ўрни The role of family education in increasing ideological immunity
157	Усманова Ш.Д. Талаба ижтимоий фаоллигидаги ривожлантириш ва интеллек динамикаси Development of student social activity and intellect dynamics
161	Файзиев З.Х. Казусли вазиятларда спортчилар хавотирланиш даражасининг ижтимоий-психологик тадкиқ этилиши Socio-psychological study of the level of anxiety of athletes in kazusli situations
165	Худойқурова Г.Б. Кичик групкаларда шахслараро муносабат мотификациясини эмпирик ўрганиш натижалари Results of an empirical study of personality attitude motivation in small groups
173	Шопазаров А.М. Замонавий таълим тизими раҳбарларининг касбий-креатив компетентлиги